

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА БАНДЛИККА ҚЎМАКЛАШУВЧИ ДАВЛАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ САМАРАЛИ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Эшбуриев Умарбек Рашидович -
Самарқанд давлат университети,
Иқтисодий назария кафедраси ассистенти

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ жойларда иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солиш тамойиллари аниқланиб, бандликка қўмаклашиш марказлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда қишлоқ меҳнат бозорини тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: қишлоқ меҳнат бозори, бандликка қўмаклашиш марказлари, меҳнат ресурслари, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи, рақобат, ишсизлик, фаол сиёсат, пасив сиёсат, ишга жойлаштириш.

Аннотация: В данной статье определяются принципы государственного регулирования занятости в сельской местности, рассматриваются основные направления деятельности Центров содействия занятости и эффективные организационные и экономические механизмы регулирования сельских рынков труда.

Ключевые слова: сельский рынок труда, центры содействия занятости, трудовые ресурсы, спрос на рабочую силу, предложение рабочей силы, конкуренция, безработица, активная политика, пассивная политика, занятость

Аннотация: This article identifies the principles of state regulation of employment in rural areas, examines the main activities of the Centers for Employment Assistance and the effective organizational and economic mechanisms for regulating rural labor markets.

Keywords: Rural labor market, employment promotion centers, labor resources, labor force demand, labor supply, competition, unemployment, active policy, passive policy, employment.

Кириш. Аҳолининг меҳнатда бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Меҳнат ва аҳоли иш билан бандлиги соҳасида бозор алоқаларини ривожлантириш янги ва ўхшаш бўлмаган ёндашишни, меҳнат бозори элементларини ўрганишда мунтазамликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини янгилашни талаб этади. Иқтисодиётни қайта қуриш ва шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида аҳолини иш билан бандлиги соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятларини жадаллаштириш ва норматив-ҳуқуқий базаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш»[8] вазифаси қўйилган. Бу вазифаларни самарали ҳал этиш қишлоқ жойларда бандликка қўмаклашувчи давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-

иқтисодий механизмлари такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳли-ли. Республикамиз ва хориж иқтисодий адабиётларида меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши, унинг ишлаш механизми, ривожланиш тамойиллари, ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни камайтириш йўллари ва иш билан бандлик даражасини ошириш ва уни тартибга солиш механизмлари, давлат ва нодавлат бандлик хизматларини фаолиятининг асосий йўналишларининг айрим жиҳатлари илмий-назарий, услубий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг “Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт” номли дарслигида [1, 55-112-б.] аҳолини иш билан бандлиги бўйича назариялар, иш билан бандлик – ижтимоий-иқтисодий сиёсат элементи эканлиги, аҳолини иш билан бандлиги шакллари ва турлари, меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолининг иш билан бандлиги, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва меҳнат муносабатларининг янги шакллари, иш билан бандлик инновацион турлари, меҳнат бозорида давлатнинг иш билан бандлик сиёсати тадқиқ этилган. Шунингдек, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида

иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган.

Колесникова О. томонидан чоп этилган мақолада [4, 55-56-б.] меҳнат бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлиги ёритиб берилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси даражалари ва функциялари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати қисман асосланган.

Академик Абдурахманов К.Х. ва профессор Одегова Ю.Г.лар томонидан чоп этилган ўқув қўлланмада [5, 38-62-б.] меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши, унинг турлари ва шакллари, ишлаш механизми, меҳнат бозори моделлари ҳамда ишсизликни камайтириш йўллари ва иш билан бандликни тартибга солиш механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мавзуга доир жиҳати бўйича аҳолини иш билан таъминлаш дастури ва иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифининг илмий асослари тадқиқ этилган. Холмўминов Ш.Р. раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан “Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари” номли монографияда [7, 27-110-б.] қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий-методологик асослари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг методик механизмлари қишлоқ ҳудудларининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уларнинг аҳолини иш билан таъминлашга таъсири ҳамда қишлоқ жойларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг тақлифини камайтириш муаммоларини социологик баҳолаш амалга оширилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида қишлоқ жойларда бандликка кўмаклашувчи давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирама таҳлил, динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усуллари-дан фойдаланилди.

Қишлоқ жойларда бандликка кўмаклашувчи давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари қишлоқ жойларда

янги замонавий иш ўринларини яратиш, ишсизларни касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ фаол ва пассив тадбирларни амалга ошириш, қишлоқда миграцион жараёнларни тартибга солиш ва рағбатлантириш, иш билан бандликнинг инновацион турларини жорий этиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда жаҳонда ишсизлик даражаси 5,8 %ни ташкил этмоқда. Жаҳонда 1,4 млрд. дан ортиқ ишчилар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нуфузи паст бўлган иш билан банд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Яхши ҳимоя қилинмаган иш билан бандларнинг сони йилига 11 млн. кишига ошмоқда. Бу ҳолат жиддий муаммоларни юзага келтирган ҳолда, уларнинг доимий даромадлар ва етарлича ижтимоий ҳимояга эга бўлган хавфсиз иш жойларига эга бўлиш имкониятларини чегараламоқда [10, 65-75-б.].

Жаҳонда меҳнат бозорининг самарали ривожланиши борасидаги тажрибалар негизида иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасида турли даражалардаги ташкилий тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, меҳнат бозорида ҳудудий ахборот тизимларини шакллантириш, ишчи кучининг касбий ҳаракатчанлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, меҳнат бозори ва аҳолининг айрим ижтимоий-демографик гуруҳлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари яратиш бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш, нодавлат иш билан бандлик хизматини ривожлантириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат иш билан бандлик сиёсати мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида меҳнат потенциалдан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича иш билан бандлик муаммоларини ечишга йўналтирилган иш кучини тармоқлар ва иш билан бандлик кўринишлари бўйича қайта тақсимлашда ижтимоий жиҳатдан мувофиқ иш билан бандлик даражасини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Шундай экан, қишлоқ жойларда бандликка кўмаклашувчи давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари қуйидаги мақсадларга эришишни назарда тутди: қишлоқ жойларда ишчи кучига талаб ва так-

лиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; ишсизларни меҳнатга йўналтиришни рағбатлантириш; иш билан банд бўлмаган қишлоқ фуқароларини иш излашда касбий ҳаракатчанлигини ошириш; иш излаётган қишлоқ аҳолисини иш билан таъминламоқ.

Туманлар Бандликка ривожланиши ва ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудий меҳнат бозорининг шаклланиш самардорлиги бир қатор муаммолар ечимини ёритишни назарда тутди. Бизнингча, бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ жойларда малакали кадрларнинг тақчиллиги. Ҳозирги кунда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши, замонавий янги тармоқларнинг вужудга келиши учун асос яратмоқда. Бунинг натижасида меҳнат бозорида замонавий касблардаги малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шундай экан, сўнгги йилларда туманлар бандликка кўмаклашиш марказларида малакали ишчи кучи ошганлиги ва олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни иш билан таъминланганлик даражасини ўсиши кузатилмоқда. Лекин, ҳудудий меҳнат бозорларида олий маълумотли ва малакали кадрларнинг таклифи 7-8 %ни, айрим ҳолларда 6-7 %ни ташкил қилмоқда. Бизга маълумки, меҳнат бозорининг самарали шаклланиши учун малакали кадрлар жами ишчи кучининг 20-30 %ини ташкил қилиши зарур.

2. Таркибий ишсизликнинг мавжудлиги. Қишлоқ туманларида иқтисодиёт тармоқларидаги технологик ва мулкчилик муносабатларининг ўзгариши таркибий ишсизлик миқдорининг ошишига олиб келмоқда.

3. Иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган малакали кадрлар таркиби ва касбга тайёрлаш ва йўналтириш бўйича ўқув юртлари ўртасидаги номувофиқлик. Таълим тизими ва марказларида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари бўлиб, битирувчиларнинг ишга жойлашиш даражаси бўлиши зарур. Лекин ҳозирги кунда қишлоқ жойларда ўрта махсус касб-хунар таълимини битирувчиларни ишга жойлаштириш муаммоси тизимли муаммога айланган. Бу бир томондан, уларни олий таълим муассасаларига кириш имкониятини чегараланганлиги (битирувчилар ичида ОТМларга қамров даражаси 15-17 %ни ташкил этади), иккинчи томондан, қишлоқ жойларда мавжуд ва яратилган янги иш ўринлари сони

билан битирувчилар таклифи ўртасида номувофиқликнинг мавжудлиги асосий муаммолар ҳисобланади.

4. Ишсизлик давомийлигининг юқорилиги, бу кўрсаткич ишсизлик муддатини ўртача 6-7 ойгача чўзмоқда. Бунинг натижасида, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнат ресурслари салмоғининг ошиб бориши бир неча ўн минглаб кишилар кун иш вақтининг йўқолишига олиб келмоқда. Ишсизликни давомийлигининг юқорилиги: бўш иш ўринлари ҳақида ахборотларнинг етишмаслиги; қонунчиликда кўрсатилмаган ортиқча ҳужжатларнинг иш берувчилар томонидан талаб этилиши; кадрларни танлаш усуллари муддатининг чўзилиб кетиши; кўпчиликнинг бир хил касблар бўйича мутахассисликка эгалиги; кадрларни қайта тайёрлашнинг узоқ муддатлиги ва бошқа сабаблар натижасида юзага келмоқда.

5. Кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги. Корхоналарда кадрлар қўнимсизлигининг юқори даражада эканлигини асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: иш ҳақини корхона фаолиятини якуний натижалари билан боғланмаганлиги; транспорт воситаларидаги чипта ҳақининг ошиши; кадрларнинг қисқариши; иш жойларида меҳнат шaroитларининг ёмонлашуви; иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигининг бузилиши ва бошқалар.

6. Иш изловчи фуқаролар учун бўш иш жойларига танловлар ўтказиш ҳақида ахборотлар олишнинг қийинлиги, иш берувчиларнинг бўш иш жойлари ҳақида ахборотларни сир тутиши. Кўпчилик иш берувчилар Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонуннинг талабларига қарамасдан иш билан бандлик хизмати органларига бўш иш жойлари ҳақида тўлиқ ахборотни бермайдилар. Улар бошқа имкониятлардан фойдаланиш мақсадида қариндошлари, ўзининг корхонасидаги яқин танишлари орқали бўш иш ўринларига номзодларни танлайдилар.

7. Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш доирасидаги муаммолар. Буларга: тадбиркорликнинг бошланғич босқичида фаолиятини ривожлантириш учун кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятларининг чегараланганлиги (кредит фоиз ставкалари юқори); хом ашё-материаллар етказиш бўйича ҳамда тайёр маҳсулот реализацияси бўйича муаммоларнинг мавжудлиги; зарур билим ва мас-

лаҳат хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг чегараланганлиги ва бошқалар.

Республикамиз, айниқса, унинг қишлоқ ҳудудларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда амалий ечимини қўтаётган муаммолар кам эмас. Бинобарин, қишлоқ аҳолиси таркибида меҳнат ресурсларининг улушини юқорилиги, иқтисодий фаоллик ва иш билан бандлик даражасининг пастлиги, қишлоқ жойларида ташкил этилган иш жойларининг асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги, иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида бандлиги, хориждан инвестицияларни жалб этиш бўйича фаол ҳаракатларнинг сустлиги, қайта ишлаш, ижтимоий инфратузилма ва касаначилик соҳасида иш жойларини қўпайтириш имкониятлари тўлиқ ишга солинмаётганлиги, ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлиги кузатилади [7, 24-б.].

БКМлари иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим элементи ҳисобланади. Меҳнат бозорида меҳнат воситачилиги билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолиятининг тажрибалари шуни кўрсатадики, у ёки бу бозор субъектлари ўртасидаги ишчи кучига талаб ва таклиф бўйича юзага келадиган муносабатлар самардорлигини ошириш учун ривожланган инфратузилма зарур. Иккала томоннинг манфатлари мувофиқлиги учун давлат номидан чиқувчи мустақил ташқи тартибга солувчи тузилма керак. Кўпчилик мамлакатларда меҳнат бозори субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий ташкилий шакли бўлиб, давлат иш билан бандлик хизмати (БКМлари) ҳисобланади.

Албатта, меҳнат бозорини тартибга солишда давлат иш билан бандлик хизматининг роли ва ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ғоятда катта аҳамиятга эга. Лекин давлат уни ўзига хос кўринишда бюрократик тарзда миллий меҳнат бозори, хусусан, ҳудудлар меҳнат бозорларининг алоҳида сегментларини ҳисобга олган ҳолда эгилувчанлигини таъминламасдан пировард натижаларга эриша олмайди. Бундан ташқари, республикамизда иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш учун ижтимоий шарт-шароитлар яратишнинг объектив сабаблари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иш билан бандлик давлат

сиёсатини амалга оширишни талаб этади. Бу мамлакатимиз ва хорижий олимлар ишларида қайд этилганидек [2, 138-142-б.], янги “ижтимоий таъминот” сифатида баъзи фикрларда ишга жойлаштириш бўйича давлат органларининг шаклланиши шунга олиб келдики, ишсизлик давомийлигининг ортиб бориши, баъзи фуқароларнинг иш қидиришига пассив муносабати ва ишсизликдан ижтимоий ҳимоялаш тизимига даромад манбаи ҳамда шахсий талабни қондириш муносабати сифатида салбий ҳодисаларни юзага келтирди.

Республикамизда давлат иш билан бандлик хизмати таркиби уч даражадан иборат: мамлакат миқёсида ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида давлат сиёсатини юритувчи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, унинг ҳудудий даражалардаги бошқармалари, шаҳар ва туманлар миқёсидаги Бандликка кўмаклашиш марказлари.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли ўртасида давлат иш билан бандлик хизматининг нафақат оммавийлиги ошди, балки ахборот, маълумот, нафақалар ва бошқалар учун давлат иш билан бандлик хизматига доимий равишда мурожаат қилаётган фуқаролар сони ортиди; мунтазам равишда умумий ва рўйхатга олинган ишсизлик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ қисқарди. Бироқ Ғарбий Европа мамлакатларида давлат иш билан бандлик хизмати 60-70 % ишсизлар ва иш билан банд бўлмаганларга хизмат кўрсатади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 35-40 %ни ташкил этмоқда.

Бандликка кўмаклашиш марказлари – ҳудудий даражада давлат иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишнинг таркибий қисми бўлиб, уни амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Туманлар БКМларининг асосий масалаларига – бу қишлоқ меҳнат бозорини бошқариш ва ишсизларга персонал ёрдам кўрсатиш, уларни ҳал этиш йўллари аниқлаш, меҳнат воситачилиги, касбий ва географик касбий ҳаракатчанликни рағбатлантириш, меҳнат бозори ҳақида ахборотлар тўплаш, ишсизларни касбларга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ишларни амалга ошириш киради. Шундай экан, БКМларининг ижтимоий функциялари ва меҳнат бозорини тартибга солишдаги иқтисодий функциялари бирга олиб борилиши назарда тутилади. Бу икки функция БКМларининг икки томонлама моҳиятини аниқлаб беради. БКМлар иш-

сизлик муаммоларини (ижтимоий функция) ва иш билан бандлик муаммоларини (иқтисодий функция) ҳал этиш ўртасида турли хил вариантларни ишлаб чиқади.

Маълумки, ҳудудий иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари қишлоқ жойларидаги туман БКМлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат бозорининг ҳолати иш билан бандлик соҳасида жами ижтимоий-иқтисодий жараёнларни акс эттиради. Иқтисодий ўсишда инвестицияларнинг юксалиши ишчи кучига бўлган талабни оширади, инқироз даврида эса корхоналар ўзларининг мавжуд штатларини қисқартирадilar. Бошқа томондан, иқтисодиётда тармоқларнинг ривожланиши кўпинча шунга боғлиқ бўладики, тезлик билан молиявий ва технологик имкониятлар асосида малакали кадрларни таъминлаш шарт-шароитлари юзага келади.

Меҳнат бозорида иш жойи сифати бўйича уни икки хил асосий сегментга бўлиш мумкин: юқори малакали ва паст малакали иш жойлари, (меҳнат бозори сегменти-ишчи кучига демографик талаб ва таклиф тузилмаси (жинси ва ёши бўйича), касбий (мутахассислиги ва малака даражаси бўйича) ва ҳудудий (минтақаларнинг ишчи кучига талаб ва таклифдаги ҳиссаси) жиҳатларга бўлинади) [6, 54-6].

Ҳозирги кунда республикамизнинг йирик шаҳарларида, хусусан, Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларида янги тармоқларнинг ривожланиши натижасида меҳнат бозорида маълум даражада юқори малакали иш жойлари сегменти шаклланмоқда.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг касб-малака таркиби кўп йиллар давомида

барқарор анъана – банд бўлганлар ва барча аҳолини таълим даражаси доимо ўсиши томон тавсифланиб келди.

Сўнгги 15 йилда республикамиз қишлоқ жойларида иш билан банд бўлган аҳолининг олий ва ўрта махсус маълумотлилари таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди, хусусан, 1991 йилда иш билан банд бўлган аҳоли таркибидаги олий ва ўрта махсус маълумотлилар миқдори корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчиларнинг мос равишда 25,6 % ва 28,1 %ини ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткичлар мос ҳолда 32,6 % ва 42,0 %га ўзгарган. Бундай ўзгариш республикамизнинг деярли барча вилоятларига хос. Бу эса, ўз навбатида республикамизда иш билан банд аҳолининг сўнгги йилларда етарли қадар юқори таълим даражасига чиққанлигини билдиради. Шу билан бирга, иш билан банд бўлган аҳоли таркибидаги ўрта ва бошланғич маълумотлилар улуши бу даврларда 46,3 %дан 25,4 %га камайди. Бунинг сабаби эса таълим тизимида мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тўлиқ қамраб олинганлиги билан изоҳланади.

БКМларининг ишга жойлаштириш бўйича юқори самарали фаолиятига қарамасдан, унчалик катта бўлмаган қисмга эга бўш иш жойлари унинг ёрдамида тўлдирилади.

Республикамизда 2018 йилда жами БКМлари орқали ишга жойлашганлар 229,9 минг кишини, 2001 йилда эса 280,6 минг кишини ташкил қилган. БКМларига иш сўраб мурожаат қилганлар сонига нисбатан ишга жойлаштирилганлар сони 2001 йилда 66,6 %ни, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 84,6 %ни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида жорий меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари [11]

Йиллар	Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони, минг киши ҳисобида	Ишга жойлаштирилганлар сони, минг киши ҳисобида	Мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлаштирилганлар улуши, %	Расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони, минг киши
2001	421,4	280,6	66,6	35,4
2002	462,8	318,1	68,7	37,5
2004	430,5	317,4	73,7	32,2
2006	410,3	325,1	79,8	27,7
2008	557,4	486,5	88,5	27,4
2010	658,5	565,3	85,8	29,5
2012	661,4	595,7	90,1	25,3
2014	462,2	423,5	91,6	24,6
2016	300,2	284,1	94,6	7,5
2017	266,2	248,1	93,2	5,0
2018	271,9	229,9	84,6	14,4

Республикада меҳнатга муҳтож шахсларни аниқлаш хусусида амалга оширилган статистик таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 1991 йилда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони 329,3 минг кишини, 2017 йилда эса 724,1 минг кишини ташкил этган.

Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида бу кўрсаткич 394,7 минг кишига, яъни 2,2 мартага ошган. Бу кўрсаткичнинг динамикасини вилоятлар кесимида олсак, фақатгина

Сурхондарё вилоятида камайиш (-7,6 минг киши ёки 70,0 %) тенденциясига эга бўлган. Мазкур кўрсаткични иқтисодий фаол аҳоли сони динамикасига солиштирсак, 1991 йилда жами иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 3,8 %, 2018 йилда эса 5,1 %ни ташкил этган (2-жадвал). Бундан кўринадики, кейинги йилларда иш билан таъминлашга муҳтож шахсларнинг иш билан таъминланмаганлик ҳолати ўсаяётганлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)

Худудлар (вилоятлар) номи	Й и л л а р						2018 йилда 1991 йилга нисбатан ўзгариши	
	1991	2002	2011	2014	2015	2018	+-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	21,9	27,7	41,3	40,3	35,7	39,6	17,7	180,8
вилоятлар:								
Андижон	39,1	41,0	66,3	68,4	73,7	77,1	38,0	197,2
Бухоро	20,5	25,3	40,2	40,9	45,3	45,9	25,4	2,2 марта
Жиззах	6,7	12,5	21,2	22,2	24,6	26,1	19,4	3,9 марта
Қашқадарё	26,3	33,2	58,3	58,3	64,0	67,1	40,8	2,5 марта
Навоий	8,3	12,5	21,5	22,8	23,1	24,3	16,0	2,9 марта
Наманган	17,3	27,5	49,0	49,6	52,2	54,9	37,6	3,2 марта
Самарқанд	51,3	65,1	74,6	76,2	82,6	86,8	35,5	169,2
Сирдарё	9,5	8,6	13,9	47,6	52,0	54,7	45,2	5,8 марта
Сурхондарё	25,6	32,3	46,6	15,2	17,0	18	-7,6	0,70
Тошкент	24,5	30,3	45,4	46,8	51,1	53,7	29,2	2,2 марта
Фарғона	40,4	51,4	73,2	72,9	82,9	87,1	46,7	2,1 марта
Хоразм	17,5	22,6	35,6	37,1	39,2	42,5	25,0	2,4 марта
Тошкент ш.	20,3	25,8	39,2	41,3	43,6	46,3	26,0	2,2808
Республика бўйича	329,3	415,8	658,2	639,7	687,0	724,0	394,7	2,2 марта

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Мамлакатимизда иш билан таъминлашга муҳтож шахсларнинг иш билан таъминланганини яратилаётган янги иш ўринлари миқдорига бевосита боғлиқ. Республикада 2018 йилда яратилган иш ўринлари сони 336146 тани ташкил этган ҳолда, энг кўп янги иш ўринлари саноат тармоғи (101,5 минг), хизмат кўрсатиш соҳаси (66,2 минг) ва қишлоқ хўжалигида (51,6 минг) яратилган. Шунингдек, республикада фаолият кўрсатмаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига – 14,7 минг ва бўш турган давлат объектларини ижарага бериш ва хусусийлаштириш орқали – 12,0 минг иш ўрни яратилган.

Қишлоқ жойларда БКМлар фаолиятини таҳлил қилишда иш билан бандликка кўмаклашиш доирасидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафақат иш билан бандлик хизматининг самарали фаолиятини баҳолаш, иш билан бандлик сиёсати йўна-

лишларини ишлаб чиқиш, балки иш билан бандлик муаммолари бўйича янги ечимларни таклиф қилиш имкониятлари юзага келади. Республикада 2012 йилда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари натижалари бўйича жами 1281 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, бунда 429182 киши иштирок этди. Шундан, ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари натижалари бўйича мазкур йилда 47,3 %дан ортиқроқ кишилар иш жойлари билан таъминландилар. Мамлакатимизда 2012-2018 йиллар 1 январ ҳолатига ўтказилган ярмаркалар бўйича таҳлилий натижаларга кўра, ўтказилган ярмакалар сони 2018 йил 2012 йилга нисбатан 149 тага кам бўлган ҳолда, ишга жойлашишга йўлланма берилганлар ҳиссаси ҳам 68,4 %ни ташкил этган[11].

Ишга жойлаштиришда бўш иш ўринлари ярмаркаларининг ўтказилиши самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ишсизларни ишга жойлаштиришнинг яна самарали усуллари билан бири – булар бир тармоққа тегишли корхоналар ва ташкилотлар маъсул ходимлари билан иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ касбий малака ва мутахассисликка эга бўлган ишсиз фуқаролар ўртасида давлат иш билан бандлик хизмати воситачилиги асосида ходимларни танлаш бўйича ўтказиладиган **тўғридан-тўғри мулоқотлар усули** ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги ишга жойлаштиришнинг тўғридан-тўғри ўтказиладиган мулоқотлар усули аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Бўш иш жойлари бўйича ўтказиладиган ярмаркадан фарқли равишда ишга жойлаштиришнинг тўғридан-тўғри ўтказиладиган мулоқотлар усули ходимларни танлашда ишчи кучининг бир мунча касбий ҳаракатчан эканлиги ҳамда қисқа босқичда касбий тайёргарликдан ўтиши билан ажралиб туради. Бунда иш берувчиларнинг хоҳиш ва истакларига биноан мулоқот ўтказиш жойи ва вақти белгиланади, номзодларга талаблар олдиндан тушунтирилади, масалан, маълумоти, иш тажрибаси, касбий малакаси, транспорт воситаларига эгалиги ва бошқалар.

Шунингдек, иш билан бандлик хизмати органларига мурожаат қилиб келган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича бирдан-бир самарали ахборот шакли бўлиб, аҳолига **экспресс-хизматлар** марказларини яратилишидир.

Самарқанд вилоятида 2017 йилда аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ўтказилган мониторинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, иш изловчи фуқароларнинг 75 % БКМларга иш сўраб мурожаат қилишга тайёр, агарда иш билан бандлик хизматида ўзларига мос бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлса.

Жойлардаги БКМларининг юқоридаги масалалар бўйича хизматларидан экспресс хизмати марказларининг фарқи шундаки, иш сўраб мурожаат қилувчи фуқароларга тез хизматлар кўрсатилади, шунингдек фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишлари амалга оширилади. Ишга жойлашиш масалалари бўйича барча асосий ахборотлар очиқ, ҳаммабоп кўргазмали тахталар ёки махсус автоматлашган қурилмалар орқали ҳар бир

киши бўш иш ўринлари ҳақида барча ахборотларни кетма-кет махсус автоматлар тугмачаларини босиш натижасида маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Тажриба шуни кўрсатдики, экспресс-хизмат марказларининг ташкил этилиши фуқароларни ишга жойлашиши ва касбий таълим олиши бўйича мустақил иш излашнинг ривожланишига эришилади.

Бизнинг фикримизча, давлат иш билан бандлик хизмати қошида экспресс-хизмат марказларининг яратилиши ташкилий-иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Бундай марказларнинг ташкил этилиши давлат иш билан бандлик хизмати органларининг иш сўраб мурожаат қилувчи фуқаролар билан иш билан бандлик масалалари бўйича мулоқот доираси кенгайди. Бу эса, фуқароларнинг жойлардаги БКМларига кетма-кет равишда ишсиз сифатида қайд қилдириш учун ташрифлари камаяди.

“Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш” бўйича БКМларнинг ёшлар ва ногиронлар билан иш билан бандлик доирасида олиб бориладиган ишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Қишлоқ ёшларини иш билан бандлигига кўмаклашиш. Республикамиз БКМларига мурожаат қилган аҳолининг асосий тоифаси ёш фуқаролар – ўқув билим юртлари битирувчилари (38%-40%) ва иш жойини ўзгартираётганлардир (45%-48%).

Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ ҳудудларида турли йўналишлардаги ўқув юртларининг иш билан бандлик муаммолари кучаймоқда. Бундай ҳолат яқин 3-5 йил ичида ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. БКМлар у ёки бу мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги талабни илмий асослаш мақсадида меҳнат бозори мониторингини ўтказиши зарур. Меҳнат бозори мониторинги ўтказилиши ўқув юртларини битирувчиларни ишсиз бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган ҳулосалар ишлаб чиқиш имкониятини юзага келтиради. Чунки ўқув юртларини битирувчилар эртага ишсиз бўлиб юрсалар, уларни ўқитиш учун кетган харажатларни молиялаштириш самарасиз бўлиб чиқади.

Шу билан бирга, олий ўқув юртларининг олий маълумотга эга битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам долзарбдир. Чунки қишлоқ жойларда турли хил олий мутахассисликлар бўйича ишчи кучига талаб етарли даражада эмас.

Бизнинг фикримизча, кўп функцияли тизим сифатида талабаларга уларнинг касбий шаклланиши ва меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олий ўқув юртлари қошида битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича жамғарма ташкил этилиши керак. Бу жамғарманинг битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаолияти туманлар ҳокимият органлари ва иш билан бандлик хизматлари билан мувофиқликда амалга оширилиши ҳамда БКМлари амалдаги қонунчилик базаси асосида касбий-таълим хизматларини меҳнат бозорида тартибга солиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Бизнингча, бу тадбирлар қуйидагилардан иборат: касбий таркибнинг йиллик таҳлили, битирувчи ишсизлар сони ва уларни ишга жойлаштириш мониторингини ўтказиш; ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари тузилмаси ҳақида маълумотлар банкни шакллантириш; битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан алоқадорликни ташкил этиш; олий таълим муассасалари битирувчиларини қишлоқ ҳудудларида ишлашга боришини рағбатлантириш, туманлар ҳокимият органлари билан ўқув юртлари раҳбарияти ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ўқув юртлари жамғармалари билан алоқаларини ташкил этиш; олий маълумотли мутахассисларга қишлоқ жойларидаги талабни истиқболлаштириш; олий ўқув юртларига қабул қилинадиган талабаларга қишлоқ меҳнат бозоридаги талабни ўрганиш; қишлоқ ҳудудларининг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, янги очилган мутахассисликларга хулоса бериш.

Ҳозирги кунда қишлоқ жойларда ишчи кучи шаклида ва юқори малакали кадрларга талабнинг ўсиб бориши ўртасидаги номуносиблик муҳим муаммолардан биридир. Шунинг учун муаммони ҳал этишнинг долзарб йўналиши бўлиб, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш ҳисобланади. Маълумки, ишсизлар армияси катта қисмини давлат томонидан нафақа билан таъминлаш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни молиялаштиришга нисбатан қимматга тушади. Бундай йўналишдаги фаолият равшанки самаралидир. Масалан, Самарқанд вилоятида 2018 йилда БКМлари орқали қайта ўқитишга юборилган ишсизлар-

нинг 89 % таълим муддати тугагандан сўнг ишга жойлаштирилди.

Қисман ишсизлик иш ҳақининг паст даражаси, соғлиқнинг ёмонлашувчи, иш вақтининг кўп қисмида уй ҳўжалиги билан шуғулланганлиги сабабли пайдо бўлади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, иш билан таъминлашнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар натижасида ишсизлар миқдори қисқариши ҳисобига ижтимоий тўловларга қилинадиган харажатларни мутаносиб равишда камайтирди. Шунинг учун ишга жойлаштиришни такомиллаштиришга (ахборот хизматлари, компьютерлаштириш, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга) сарфланиши ишга жойлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва ишсизликни қисқартиришни таъминлайди. Касбга ўқитишга қилинган харажатларни қоплаш шуни кўрсатдики, касбий тайёргарликдан ўтгандан кейин ишга жойлашганлар ҳиссаси касбий тайёргарликсиз ишга жойлашганларга нисбатан 1,9 марта ўсган, мавсумий жамоат ишларига йўналтириш ҳар бир ишсизга қилинадиган харажатларни 3-5 %га қисқартиради.

Иш билан бандликнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар шуни кўрсатдики, ҳар бир сўм қилинадиган сарфларнинг қайтими 1,1-1,2 сўм самара беради[12], шундай суммага ишсизларга ижтимоий туловлар учун қилинадиган харажатларни камайтиришга олиб келади.

Қишлоқ аҳолисини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш қишлоқ меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар, имкониятлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда оптимал иш билан бандлик кўринишларини танлаш ва касбий шакллантиришда давлат ва фуқаролар жамиятлари томонидан ижтимоий кўмак беришга йўналтирилган комплекс махсус чора-тадбирларни ўзида намоён этади.

Иш билан бандлик хизматининг касбга йўналтириш бўйича янги ва ноанъанавий шакли бўлиб, кадрларни кабга йўналтириш ва қайта тайёрлаш дастури ҳисобланади. Бу дастур касбга йўналтириш бўйича психолог маслаҳатлари ва психологик таъсир кўрсатиш тавсифига эга маърузалар ўтказишни ўз ичига олади.

Айнан касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш янги бозор шароитларига касбий карьерани амалга ошириш учун оптимал шарт-шароитларни яратиш орқали инсоннинг мослашувчанлигини ошириш,

меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг индивидуал хусусиятлари билан мувофиқликда фуқароларни ишга жойлаштиришни оптималлаштириш имкониятлари ва ҳаёт йўлининг ҳар қандай босқичида касбий ўз-ўзини аниқлаш жараёнини фаоллаштиришга йўналтирилган. Бунинг натижасида иш билан бандлик хизматининг касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассисларини психологик тайёрлашга талаби кучаяди. Улардан психологик имкониятлар, шахснинг ички ресурс имкониятлари, унинг яширин салоҳияти, касбга кириш ва касбий устунликка эга эканлиги, маслаҳат беришнинг психотехнологик билимлари ва ахлоқ-одоб нормалари ва тамойилларига мувофиқ миждо билан суҳбат қуриш лаёқати тўғрисида билимларни талаб этади [5, 76-6].

Узоқ муддатли ишсизлар билан ижтимоий мослашишнинг мазкур дастурини амалга оширишда бош муаммо янги курслар ва иш изловчилар курсини ташкил этиш бўйича меъёрий базанинг етишмаслиги ҳисобланади. Амалиётда дастурни жорий қилиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, дастур маълумотлари ижтимоий мослашиш ёки таълим олиш эмас, балки касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш дастурлари бўлиб ҳисобланади. Бироқ мавжуд меъёрий жиҳатдан таъминлашда бу ҳисобга олинмаган.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ушбу йўналишда меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни тақлиф этамиз:

– касбга йўналтиришга бағишланган давлат статистика ҳисоботлари бўлимларида ҳисобот шакллари ва харажатлар сметасига мувофиқликда касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш статусини мазкур дастурларга киритиш;

– касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш йўналиши мутахассислари учун ушбу дастурни ўтказиш бўйича узвий боғланган фаолият, меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш.

Хулоса ва тақлифлар. Бизнингча, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда бу йўналиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: давлат иш билан бандлик хизмати таркибида ходимларни касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўлимларини ташкил этиш; касб-

га йўналтиришни психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқиш; бу йўналиш бўйича етук мутахассислар ва психологларни жалб этиш; ишсизларни касбга йўналтириш бўйича психологлар маслаҳатини бериш ва бошқалар.

Бизнингча, ҳудудий иш билан бандлик хизматини иш билан бандлик соҳасидаги асосий йўналишлари бўйича фаолияти ҳолатининг натижалари шуни кўрсатадики, меҳнат бозорини тартибга солишда фаол иш билан бандлик сиёсати қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилмоғи зарур:

– бозор иқтисодиёти талабаларига мувофиқ қишлоқ ҳудудларида ишчи кучи сифатини оширишда иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

– қишлоқ ёшларини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш;

– қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш учун мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жамоат ишлари ривожланишини ўз ичига оувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож қишлоқ фуқароларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;

– иш билан банд бўлмаган қишлоқ аҳолисини тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олувчи самарали иш ўринларини сақлаш ва янги иш жойларини яратиш;

– ишдан бўшатилаётган қишлоқ хўжалиги ишчиларини касбга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича олдиндан чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

– бўш иш жойлари сони ва таркиби, касбий таълим кўрслари ва ҳ.к.лар тўғрисида қишлоқ фуқароларига хабар бериш мақсадида қишлоқ аҳолисига ахборот хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

– қишлоқ меҳнат бозорида мониторинг тадқиқотларини ўтказиш;

– умумий, ўрта махсус, олий таълим тизимини иш берувчилар талабларига йўналтирган ҳолда такомиллаштириш;

– таълим муассасаларида келгусида мутахассисларни тайёрлаш йўналишлари ва ҳажмига тузатишлар киритиш, ўқув юртларида битирувчилар ўртасида ишсизлик хавф-хатарини олдини олиш;

– қишлоқ меҳнат бозори конъюнктура-

сидан келиб чиқиб, иш берувчиларга маслаҳат хизматларини ташкил этиш.

–иш билан бандлик соҳасида ижти-

мой ҳамкорлик механизмини ривожлантириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. –Т.: «FAN» нашриёт давлат корхонаси, –Т.: 2019. - 512 б.
2. Вальнева Л.В., Маркевич И.В. Становление российского рынка труда // Социально-политический журнал. - 1997. - JV2 5. - С. 138 - 142.
3. Дудников С.В. Эффективность активной политики содействия занятости населения мегаполиса. // Дисс. ...д-ра экон. наук. – М.: РГБ, 2006. - С. 195.
4. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. - № 3. - С. 55 - 56.
5. Рынок труда. Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х., д.э.н., проф. Одегова Ю.Г. – Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384.
6. Словарь терминов, применяемых в деятельности служб занятости. – М.: 1997. -С. 74.
7. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2018. - 160 бет.
8. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.
9. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2018 йиллардаги статистик тўплам.
10. World Employment and Social Outlook 2017: Sustainable enterprises and jobs: Formal enterprises and decent work International Labour Office – Geneva: ILO, 2017.
11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.
12. Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МЕҲНАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Мансурова Наргиза Шамсидиновна -
Самарқанд давлат университети,
“Иқтисодиёт ва тадбиркорлик” кафедраси ассистенти**

Аннотация: Ушбу мақолада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси, таркиб топган ижтимоий-меҳнат муносабатлари, Самарқанд вилояти меҳнат бозори ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: меҳнат бозори ва уни тартибга солиш, иш билан бандлик, ишсизлик муаммолари, меҳнат бозори ва иш билан бандлиkning институционал жиҳатлари ва ечимлари, рақобат муҳити, меҳнат ресурслари, пассив ва фаол сиёсат.

Аннотация: В статье анализируются уровень развития производительных сил, социально-трудовых отношений, социально-экономические показатели развития рынка труда Самаркандской области.

Ключевые слова: рынок труда и его регулирование, занятость, проблемы безработицы, институциональные аспекты и решения рынка труда и занятости, конкурентная среда, трудовые ресурсы, пассивная и активная политика.

Annotation: The article analyzes the level of development of productive forces, social and labor relations, socio-economic indicators of the development of the labor market in the Samarkand region.

Key words: labor market and its regulation, employment, unemployment problems, institutional aspects and solutions of the labor and employment market, competitive environment, labor resources, passive and active policies.

Қириш Жаҳон амалиётида тўпланган тажрибалар, жумладан, ишга жойлаштириш жараёнига илғор ахборот технологияларини фаол жорий этиш, ишга жойлашишга қўмаклашиш бўйича меҳнат бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратиш, меҳнат бозори ва аҳолининг айрим ижтимоий-демографик гуруҳлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари яратиш

бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш каби механизмлардан фойдаланган ҳолда меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, миллий меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.